

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 20569

(лот № 22110012079251)

«14» 05. 2022 й.

«Fast Quality Building» МСНJ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи ўзининг низоми устави, асосида иш юритувчи раҳбари Ш.Халимов тимсолида бир томондан ва Ромитан қаб хунарга укитиш маркази кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритувчи, ўзининг низоми устави асосида иш юритувчи раҳбари И.Р.Иzzатов тимсолида иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета ҳужжатларига асосан Ромитан қаб хунарга уқитиш маркази биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни. «Буюртмачи» "Пудратчи" томонидан лойиха смета бўйича бажарган ишларни далолатнома асосида кабул килиб олишни ҳамда тўловни ўз вактида амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **970 000 000** (Тўққиз юз етмиш миллион сўм) сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР.

2.1. »Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг киймати **970 000 000** (Тўққиз юз етмиш миллион сўм) сўмни ташкил киласди.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «14» май 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вакти «30» май 2022 йил.

## 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИНГ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 16 марта 139-сонли карорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари хисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кўра 30 фоиз микдорида олдиндан ҳақ (аванс) тўлаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан ҳарид қилинган курилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб колганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чикадиган ҳар кандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиклангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб хисобланади.

## 4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи **970 000 000** (Тўққиз юз етмиш миллион сўм) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки **291 000 000** сўм микдорда олдиндан тўлов (аванс)ни тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг май ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний 70 % ёки **679 000 000** сўм тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдикловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг 60 кун ичida амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5. ПУДРАТЧИННИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Шартнома баҳоси **970 000 000** сўм бўлган таъмирлаш ишларини шартноманинг 2.3 бандида кўрсатилган муддатда бажариш ва ўз вактида сифатли килиб топшириш.

5.2. Пудратчи маҳсус таъмирлаш ишларини бажариш учун маҳсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилиш хукукига эга.

5.3. Ҳар ойнинг 25 санасида ўтган ойда бажарилган курилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани тузади.

5.5. Ойида бир марта ҳар ойнинг 5-кунидан кечикитирмай «Буюртмачи»га ўтган ойда қилинган ишлар учун тўлов счёти (хисоб фактура)ни тақдим киласди шунингдек хисоб фактура "Буюртмачи" томонидан тасдиклаб берилгандан сўнг 5 (беш) иш куни муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли карорига мувофик электрон кўринишида ЭХФ операторлари орқали жўнатади;

5.6. Пудратчи Буюртмачидан бажарилган хизмат учун хакни шартноманинг 4.1 бандига асосан келишилган вактда ва микдорда тўланишини талаб қилиш хукукига эга.

Ромитан шахри.

## **6. БУЮРТМАЧИННИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

“Буюртмачи” “Пудратчи”дан таъмирлаш ишларини ўз вактида ҳамда белгиланган стандартларга ва амалдаги онунчиликка асосан топширишини талаб килиш хукукига эга.

6.2 “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофик бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофик далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

6.3 «Пудратчи» томонидан шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган муддатларда тақдим килинган тўлов счёти (хисоб-фактура)ни кабул килиб олади ва 60 кун ичидаги ишлар учун тўловни амалга оширади.

6.4. Сифатсиз хизмат курсатилганда “Буюртмачи” хизматни кабул килиб олишдан воз кечиши ва камчиликларни бартараф килиш тўғритсида 3 кун ичидаги пудратчини ёзма равишта хабардор килади.

## **7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

7.1. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим килинган лойиха смета хужжатларига асосан қурилишни ўз вактида лозим даражада бажармагандаги ёки сифатсиз килинганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу ишлар бажарилмаган кисмининг суммасидан 0,4% миқдорида, бирок бажарилмаган ишлар суммасининг 50% идан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни кабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қўлишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. «Буюртмачи» «пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўлов счёти (хисоб фактура) тақдим килингандан сўнг молиялаштириш шартномада белгиланган вактда амалга оширилмаса кечиктирилган кун учун тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 0,4 % миқдорида, бирок тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган холатлар бундан мустасно.

## **8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.**

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар кандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошка тарафнинг ахлокка тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этишга мажбурулашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор килиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канали “@anticorbot” орқали, ёки худудий прокуратура органларига билдириш лозим.

## **9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.**

9.1 Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган холатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай холатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

9.2 Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли хужжатdir.

9.3 Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч холатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва якин муддат ичидаги бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## **10. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.**

10.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун хужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## **11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.**

1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси хамда ЗР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруги билан тасдиқланган “Бюджет тизими юджетларининг ғазна ижроси Коидалари”( Адлия вазирлигига 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради хамда 31.12.2022 йилгача амалда булади.

11.2. Шартнома икки нусхада тузилган булиб хар бири бир хил кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан сакланади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

### «Пудратчи»

«Fast Quality Building» МСНJ  
(ижрочининг номи)

Манзили\_ Шоғиркон тумани тузгузар КФЙ

Тел. +(998) 99-709-05-09

хлр, 20 20 80 00 30 02 25 52 50 01

Банк номи: Ипатека банк Сардор филиали

МФО 00119 ИНН 302611417

Рахбар: Ш.Халимов

(Ф.И.Ш.)

имзо

M.y



ХУҚУҚШУНОС:

Ш.Халимов

### “Буюртмачи”

Ромитан каб хунарга уқитиш маркази

(бюджет маблагларини олувчи номи)

Манзили: Ромитан тумани Навбахор МФЙ Ёмгирабод кишлоги Тинчлик кўчаси

Тел./факс: 55-4-42-18

ш/хв: 200221860062470412322.37001

ОКОНХ: 85590 ИНН: 308668444

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ромитан туман  
Ғазначилик бўлинмаси

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкеёт шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: И.Р.Иzzатов

(Ф.И.Ш.)

имзо

M.y



(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг  
хуқуқшуноси)

Шартнома амалдаги конунчиллик асосида түгри тузилган